



ARTICLE INFO

Received: 25th February 2023

Accepted: 02nd March 2023

Online: 03rd March 2023

KEY WORDS

Хўраки, илдиз, ток тупи, хомток, куртак, навда, барг, ғужум, кислоталилик, қандлилик, ҳосилли, ҳосилсиз.

УЗУМНИНГ ХЎРАКИ ХУСАЙНЕ БЕЛЫЙ НАВИНИ ҲОСИЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧИ ВА ҲОСИЛ СИФАТИГА ХОМТОК ҚИЛИШНИ БОҒЛИҚЛИГИ

¹Эгамбердиев Пулатжон,

²Худойбердиев Рустам,

³Нуралиева Фарангиз.

Гулистон давлат университети

<https://www.doi.org/10.37547/ejar-v03-i03-p1-08>

ABSTRACT

Ток тупларига шакл берилгандан сўнг яна бир агротехникалардан бири хомток ҳисобланиб, ток тупларини касалликлардан ҳамда узум ғужумининг кимёвий таркибига ижобий таъсир кўрсатади. Ток тупларини 0,25% ҳосилсиз новдалардан 100 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинишигача бўлган жараён кузатилди. Энг яхши натижа 50% ҳосилсиз новдалар қолдирилган ток тупларидаги узум ғужумларнинг кимёвий таркиби яхши бўлиши билан ажралиб турди.

КИРИШ. Хомток кузги ва баҳорги ток кесишнинг давоми ҳисобланади. У ток тупига керакли шакл беришга, новдаларни сўри ва симбағазларга бир текис жойлаштиришга, шунингдек, тупнинг ўсиши ва ривожланишига, озикланишига, физиологик жараёнларнинг нормал кечишига, тўпгулларнинг яхши чангланиб, мева тугилишига ёрдам беради. Шунинг учун хомток баҳор ва ёзда ўтказиладиган муҳим ва масъулиятли агротехника тадбирлардандир. Кузда ва баҳорда кесилган ток тупларида қолдирилган ҳосил новдалар, асосан хомток вақтида аниқланиб тарбияланиб борилади. Хомток қилинганда барг орқали ҳамда илдиздан келадиган озик моддалар ҳосилга, ҳосилли новдаларнинг ривожланишига ва уларнинг яхши пишишига сарф бўлади. Хомток қилинган ток ҳаво, ёруғлик ва иссиқликдан самарали фойдаланади, айниқса, замбуруғ касалликларига кам чалинади.

Ўзбекистон шароитида ўстириладиган токнинг хўраки ҳамда кишмишбоп навларида баъзан куртакларнинг ривожланмай қолиши ва ҳосилсиз (эркак) новдаларнинг кўплаб пайдо бўлиши ҳоллари учрайди. Хўраки ва кишмишбоп навларнинг ҳосил тугиш қобиляти винобоп навларникига нисбатан паст бўлади. Хомток жараёнида ҳосилсиз, суст ўсган, кераксиз новдалар олиб ташланади. Натижада новдаларнинг ўсиши ва ривожланиши жадаллашади, тўпгул-лар яхши чангланади, новдаларда ҳосил куртаклари кўплаб шаклланади, келгуси йили мўл ҳосил учун замин яратилади.

АДАБИЙОТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. Токда шўралар пайдо бўлиши билан ҳосил новдалар билан ҳосилсиз новдалардан фарқ қилиш ва ортиқчасини юлиб ташалаш мункин. Новдаларнинг узунлиги 40-45 см га етганда улар симбағазга боғланади. Агар тўпгул ўрнига жингалак чиқса, бу новда ҳосилсиз бўлади. Ҳосил



қилмаслига аниқ бўлган новдаларни эрта хомток қилиш қўшимча миқдорда новдалар, шу жумладан ҳосил қилидиган новдаларнинг ривожланишига ёрдам беради [1; 29-6].

Хомток вақтида новдаларни хаддан ташқари кўп олиб ташлаш ярамайди. Бу тупнинг ер устки қисмини ва илдиз тизимининг кучсизланишига, барг сатҳининг камайишига, ўсимлик ер устки ва ер остки қисимларнинг ўшиши ва ривожланиши ўртасидаги мутоносибликнинг бузулишига сабаб бўлади [2; 138-6].

Хомток асосан икки босқичда ўтказилиб биринчиси “шўра хомток” иккинчиси “ғўра хомток”, деб аталади. Шўра хомток апрель охирлари май бошларида ток новдаларида шўра чиқариб ҳосилли ва ҳосилсиз новдалар аниқланганда ўтқазилади. Бу даврда янги яшил новдалар 25-30 смга етган дастлабки жингалаклар чиқарган бўлади. Ғўра хомток вақтида узум ғуралари катталашиб, уларнинг бандлари мустахкамлашиб қолади, ғуралар тўкилиб кетмайди [3; 53-55-6].

Ҳосилсиз новдаларнинг роли ва уларни кесиш ўлчами борасида тадқиқотчилар турли фикрлар билдиришади. Ҳосилсиз новдалар, намликни кўп сарфлаб ва тупни қалинлаштириб, ҳосилни пасайтириши мумкин, аммо новдалар кам ривожланганда улар зарур деб ҳисоблайди. У кузда куртакларнинг катта захирасини қолдиришни, кесиш пайтида эса барча ҳосилсизларини олиб ташлашни тавсия қилган. Ҳосилдор новдалар ҳосилсизлари ҳисобига озиқланади деб тахмин қилган. Шу сабабли ҳар йили ҳосилсиз новдаларни кесиб ташлаш тупларнинг вегетатив ва генератив қувватини пасайтиради [5; 20–21-6].

Тадқиқотнинг усуллари. Тажрибалар Узум боши таркибининг механик таҳлили профессор А.Н. Простосердов [4; 63 б.] тавсия этган усул ҳамда узумчиликда умумқабул қилинган услублар асосида олиб борилди.

Ғужум шарбатининг қанддорлиги шарбатнинг солиштирма оғирлигини кўрсатувчи ареометр билан аниқланди.

Кислоталиликни аниқлашда узум шарбатига индикатор сифатида фенолфталеин қўшилган ҳолда 0,1 Н ишқор эритмасида (NaOH) титрлаш усули ёрдамида аниқланган.

Тадқиқот натижалари: Тажрибалар назарий амалий тадқиқотлар 2018-2020 йилларда Тошкент давлат аграр университети “Мевачилик ва узумчилик” кафедраси ва Тошкент вилояти Тошкент туманида жойлашган 2009 йил ташкил этилган “Карима Мурувват Агро” фермер хужалигида олиб борилди. Булардан ташқари, ток тупи маҳсулдорлигини аниқлашда унинг ҳосилдорлик коэффиценти ва новдалар ҳосилдорлиги энг муҳим нав белгиларидан ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, агротехника шароитлари, хусусан, узум навларининг ҳақиқий ҳосилдорлик кўрсаткичига юқори даражада таъсир кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади. Узумни хўраки навлари ҳосилдорлик кўрсаткичларига хомтокнинг таъсирини ўрганиш юзасидан ўтказилган тажриба натижалари шуни кўрсатдики, Хусайне белый навида бир ҳосилли новдаларнинг энг кўп миқдори 50% ҳосилсиз новдалар хомток қилинганда 35,0% ни ташкил этган бўлса, энг кам ҳосилли новдалар ток тупи 25 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинмаган (назорат) вариантда 25,5 % ташкил қилиши кузатилган бўлса, қолган вариантларда ҳосилли новдалар 29,3% дан 31,0% миқдорда бўлиши аниқланди.

Хомток меъёрини узумнинг хўраки навлари ҳосилли новдалар кўрсаткичларига таъсири, 2018-2020 йиллар

Т/р	Вариант	Ҳосилли новдалар % ҳисобида			Ҳосилли новдадаги узум бошлар сони	Барча новдага тўғри келувчи узум бошлари сони
		битта ҳосилли	иккита ҳосилли	Жами		
Хусайне белыйнави 160-200 та куртак						
1	25 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган (назорат)	25,5	3,8	29,3	1,2	0,4
2	50 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган	28,5	6,5	35,0	1,2	0,4
3	75 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган	27,3	3,7	31,0	1,1	0,3
4	100 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган	26,7	3,8	30,5	1,1	0,4

Ҳосил берган новдаларга тўғри келувчи узум бошлар ҳосилсиз новдалар 50 % хомток қилинганда назорат вариантда Хусайне белый навида 20% ҳосилли новдалар кўп бўлиши кузатилди.

Ҳар хил меъёردа хомток қилиш узумнинг Хусайне белый нави узум боши ғужумининг қандлилигига ҳам таъсир кўрсатди. Бунда энг юқори қандлилик – 23,7% ва кислоталилик энг паст кўрсаткич 4,2г/л ҳосилсиз новдалар 50 % хомток қилинган ҳисобидан берилган вариантда аниқланди. Ушбу вариантда ғужум шарбатининг қандлилиги 25% ҳосилсиз новдалар хомток қилинган (назорат) вариантдан 3,8% қандлилиги юқори, кислоталилиги 0,7 г/л бўлди. Қандлилиги 75% ҳосилсиз новдалар хомток қилинганда назорат вариантдан



1-расм. Хусайне белый навини кимёвий таркибининг хомтоққа боғлиқлиги, (2018-2020 й.й.).



3,4%, кислоталилиги 0,6 г/л кам бўлиши қайд этилди. Ҳосилсиз новдалар 100 % хомток қилинган вариант назорат вариантдан қандлилиги 2,8 % кўп ва кислоталилиги 0,5 г/л кўп бўлиши аниқланди. Олиб борилган тадқиқот натижалари шуларни кўрсатдики меъёрдан ортиқ ёки кам хомток қилинса узумнинг кимёвий таркибига сезиларли даражада таъсир қилиши аниқланди.

ХУЛОСА

Ток тупларида ҳосилсиз новдаларни ҳосилли новдалар нисбатига яқинлаштириб қолдириш узумнинг кимёвий таркибига ишжобий таъсир қилиши аниқланди.

Ток тупларида 50 % ҳосилсизновдаларни қолдириш назорат вариантдан ва қолган вариантлардан қанд миқдори юқори ва кислота миқдори кам бўлиши аниқланди.

Ҳосил берган новдаларга тўғри келувчи узум бошлар ҳосилсиз новдалар 50 % хомток қилинганда назорат вариантда Хусайне белый навида 20% ҳосилли новдалар кўп бўлиши кузатилди.

References:

1. Абдуллаев Р.М., Мирзаев М.М., Набиев У.Я., Абrorов Ш.М., Бекчанов У.А., Маҳмудов Ғ.Ғ., Узум етиштириш ва майиз қуритишнинг замонавий технологияси. Т-2013. 29- б.
2. Темуров Ш. «Узумчилик» маъруза матнлари Тошкент –2004.–138-б.
3. Маматов У.И. Узум етиштириш. Тошкент –2021.–53-55-б.
4. Простосердов Н.Н. Изучение винограда для определения его использования. М.: Пищепромиздат, 1963. – 63 с.
5. Турянский Г.Ф. Об обломки побегов винограда. // Садоводство, виноградарство и винодели Молдавии. – Кишинев, 1954. – №2. – С. 20-21.
6. Mamatova Y., Jo'lbekov I., Adhamov A. QURITISH UCHUN MO'LJALLANGAN UZUM NAVLARINI TOVAR VA TEXNOLOGIK SIFATI TAHLILI //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 6. – С. 97-99.
7. Ungarov A., Sirojiddinov A. AGRAR SOHANI RIVOJLANTIRISHDA RESURSLARDAN SAMARALI FOYDALANISH VA INNOVATION TEXNOLOGIYALAR ISTIQBOLLARI //Eurasian Journal of Academic Research. – 2023. – Т. 3. – №. 1 Part 3. – С. 16-18.